



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯнгиЛАНГАН
КОНСТИТУЦИЯЎзбекистоннинг ҳуқуқий давлат
мақомини мустаҳкамлайди

Янги таҳрирдаги Конституцияни замонaviй давлатчилигимизнинг пойдеворига қиёслаш мумкин. Чунки унда мустақиллик йилларида миллий давлатчилик борасида эришилган улкан тажриба, бундан ташқари, бугунги кунда жамият ва давлат бошқаруви олдига турган ўткир ва долзарб масалалар, дунёда сақланиб қолаётган гоёт мураккаб геосиёсий жараёнлар авж олган шароитда “инсон — жамият — давлат” ўртасидаги муносабатларнинг пухта ўйланган стратегияси акс этган. Бошқача айтганда, янгиЛанган Конституция ҳам давлатчилик, ҳам инсон ҳуқуқлари борасида бошланган демократик ислохотларда ортга қайтмаслигимизнинг ўзига хос исботи, десак бўлади.

▶ Давоми 3-бетда

2023
9-IYULO'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI“ЖИМЛИК КУНИ”
НИМА УЧУН КЕРАК?

Жорий йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови давлатимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бунда халқимиз ўзи танлаган номзодга овоз беради.

Ўтган кунларда Президентликка номзодлар томонидан фаол ташвиқот тадбирлари ўтказилганига гувоҳ бўлдик. Сайлов кодексига кўра, сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Президентликка номзодларни

рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланади ва овоз беришга бир кун қолганида тугайди. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида бундай ташвиқотга йўл қўйилмайди.

▶ Давоми 2-бетда



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

МАҚСАД — АҲОЛИНИ
РОЗИ ҚИЛИШ

Тошкент вилояти аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишга қаратилган кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида турли ижтимоий йўналишлар ва тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда белгиланган яхши кўрсаткичларга эришиляпти.

▶ Давоми 2-бетда



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

АСОСИЙ КАПИТАЛГА
ЎЗЛАШТИРИЛГАН
ИНВЕСТИЦИЯ
узoқ вақт барқарор
фойда келиши кафолати

Мамлакат иқтисодиётининг самарали ривожланиш даражаси ишлаб чиқаришнинг нафақат миқдорий ошиши, балки сифати ҳамда рақобатбардорлиги билан ҳам белгиланади. Барча тармоқлар барқарор тараққиётини таъминлашнинг асосий усулларида бири инвестицияларни жалб қилишдир.

▶ Давоми 4-бетда



ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ФАН — ТАЪЛИМ — ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ УЗВИЙ АЛОҚАДОРЛИГИ
қандай имкониятларни ишга солишга асос бўлади?

Бутун инсоният фан — таълим ва ишлаб чиқаришнинг амалий натижаларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Зотан, тараққиёт ушбу тизимларнинг узвий алоқадорлигига боғлиқ. Мамлакатимизда ҳам технопарклар, робототехника ва мехатроника, IT технологиялар, муқобил энергетика ҳамда биотехнология инновацион лойиҳалар, стартаплар жадал ривожланаётди.

▶ Давоми 5-бетда



САРҲИСОБ

ЕРГА СОЧИЛГАН УРУҒ
эл-юртга қут-барака бўлиб қайтди

▶ 2-бетга қаранг.



НУҚТАИ НАЗАР

ДАЛА ЧЕТИДА
ЭКИЛГАН ЭКИН

фермерга даромад, рўзғорга қут келтиради

Халқимиз асрлар оша ернинг ҳар бир қаричидан унумли ва оқилона фойдаланишга ҳаракат қилган. Бободехонларимизга доим ер ва сув энг улғу неъмат саналган. Ҳозир ҳам юртдошларимиз учун бу икки неъматнинг қадр-қиммати ошса ошдики, асло пасаймади. Чунки кейинги йилларда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги глобал масала сифатида кенг кулоч ёзаётгани, иқлим ўзгариши ва ҳароратнинг меъёридан ортиқ исиб бориши қўрқоқчилик ҳамда чўлланиш жараёнининг тезлашишига сабаб бўлмоқда. Бу эса сайёрамиздаги яна миллионлаб инсонлар очарчилик ва сувсизлик муаммосига гирифтор бўлишидан дарак беради.

▶ Давоми 4-бетда



ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

МАҚСАД — АҲОЛИНИ РОЗИ ҚИЛИШ



Бекзод ҚОБУЛОВ,
Тошкент вилояти
ҳокимининг матбуот
котиби — ахборот сиёсати
масалалари бўйича
маслаҳатчиси

Бошланиши 1-бетда

Маҳаллалар
инфратузилмасида ўсиш

Узоққа бормайлик. Президентнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Утган давр мобайнида жойларда ишлар жадал бошланди.

Вилоят бўйича 957 та объектда турли даражадаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Улар орасида 329 та ички йўллар (398,1 миллиард сўм), 381 та ичимлик сув ва оқова сув таъминоти (530,9 миллиард сўм), 88 та электр таъминоти (25,1 миллиард сўм), 2 та газ таъминоти (0,3 миллиард сўм), 5 та умумтаълим мактаби (1,7 миллиард сўм), 8 та мактабгача таълим ташкилоти (7,2 миллиард сўм), 12 та спорт объекти (4 миллиард сўм) ва 132 та бошқа лойиҳалар (88,9 миллиард сўм) бор.

Хусусан, Янгийўл туманидаги “Қир-садок” маҳалла фуқаролар йиғинида 3,1 километрга янги кувурлар тортилиб, 160 дан ортик хонадон ичимлик сув билан таъминланди. 220 дан ортик хонадоннинг ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Бу каби саъй-ҳаракатлар тумандаги 30 та маҳаллада амалга оширилиб, бунинг учун 38,9 миллиард сўм сарфланади. Бошқа туман-шаҳарларда ҳам бу каби мисоллар кўп.

Мухими, ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масала-

ларни тизимли ҳал этиш борасидаги вазифалар самарали ташкил этилган. Бу эса аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга замин бўлмоқда.

Аҳоли даромадини
ошираётган
ишбилармонлик муҳити

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Президенти раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда янги босқичга ўтиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳудудлардаги муҳим масалаларга тўхталиб ўтилган эди. Хусусан, жойлардаги тадбиркорлар билан манфаатли ҳамкорлик қўллаб-қувватланса, туманда, маҳаллада бандлик масаласини ҳал қилиш учун имкониятлар янада кўпайиши мумкинлиги таъкидланди.

Тахлилларга кўра, охириги 2 йилда Тошкент вилояти бўйича 516 минг 693 фуқаро бандлиги таъминланди, 41 минг 508 та тадбиркорлик субъекти 53 минг 960 тага етди. Натижада 39 минг 300 та оила камбағалликдан чиқарилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бу йил эса қабул қилинган дастур бўйича 480 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Шундан биринчи чоракнинг ўзига 116,7 минг аҳоли ишга жойлаштирилди. Аслида, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Хусусан, ҳозиргача вилоятда фаолият юритаётган 235 тадбиркор томонидан камбағал оилаларнинг 7 минг 86 нафар вакили ишга жойлаштирилди. Айниқсан, бу жараёнда Янгийўл, Ўрта Чирчиқ ва Қўйи Чирчиқ туманларидаги хусусий сектор вакиллари ташаббус кўрсатди.

Ҳудудларда вилоят ҳокимлиги ва тегишли бошқармалар мутахассислари иштирокида тадбиркорлар билан учрашувларда аҳоли бандлигини таъминлаш учун барча чораларни кўриш

вазифаси белгилаб олинди. Унга кўра, 1 минг 274 тадбиркор ҳамкорликда 64 минг 655 нафар фуқаро бандлигини таъминлайди. Аҳоли вакиллари дастлаб, “амалий мономарказ”ларда ўқиштирилиб, сўнг уларга иш берилади. Хусусан, Бўка туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, қадоклаш ва экспорт қилувчи “TNA Agro Invest” МЧЖнинг булғор қалампери етиштириш учун кўчатхонаси йўқ. Корхона ҳозиргача кўчатларини водий вилоятларидан олиб келади. Бу эса маҳсулот таннархига таъсир қилмоқда.

Корхонага туман ҳудудидан ер майдони ажратилди. Шу билан бирга, аҳоли томорқаси ва деҳқон хўжаликларини ихтиёридаги дала майдонларида кооперация усулида булғор қалампери етиштириб, маҳсулотни сотиб олиш йўлга қўйилади. Бу орқали 1 минг 500 дан зиёд аҳоли даромадга эга бўлади. Мазкур корхона янги тизим асосида туманнинг Бунёдкор, Жўрабод, Қўлдоштепа, Рамадон, Қийикчи, Қўлдурок маҳаллаларидаги 225 нафар камбағал оила аъзоларини ўқитиб, ишга қабул қилади.

Деҳқон учун ҳар бир кун
ғанимат

Кузги ҳосилнинг қафолатини бугун қилинган меҳнат белгилайди. Бу йил ҳам Тошкент вилояти туманларида ўриб олинган ғалла майдонининг 9,5 минг гектарига сабзавот, 15 минг гектарига картошка, 753 гектарига полиз, 35,8 минг гектарига дуккакли, 15 минг гектарига шолӣ ва 24 минг гектарга озуқа экинлари экилади. Бу жараён назоратга олинган бўлиб, шу мақсадда 290 та экиш отряди шакллантирилган. Уларга 529 та қишлоқ хўжалиги техникаси ва 670 нафар ҳоким ёрдамчиси бириктирилди.



Такрорий майдонларнинг 14 минг гектари “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 45 минг нафар ишсиз фуқарога, жумладан, 14 минг ёшларга деҳқончилик қилиш учун ажратиб берилган.

Ҳозиргача 35 минг ишсиз фуқарога ғалладан бўшаган 10 минг гектар ер майдонлари фермер ва кластерлар томонидан ажратиб берилди. Бу эса йил якунида аҳолининг қафолатли даромад олишига замин яратади. Такрорий экин экиб, маҳсулот етиштирган ҳар бир хонадон мавсумда ўртача 22 миллион сўм даромад қилади. Вилоят бўйича 13 минг хонадонда жами 5 минг гектарда такрорий экин экиш ҳисобига умумий ҳисобда 110 миллиард сўм даромад олиниши кутилмоқда.

Ижтимоий эҳтиёжманд аҳолига такрорий экин экиш ва парваришлаш даврида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жами 274 та кластер, илғор фермерлар ва тайёрлов корхоналари бириктирилди. Ушбу тизим асосида ишсиз аҳолига бириктирилган масъулар ер майдонларини экишга тайёрлаш, экиш ва агротехник тадбирларни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиб, зарур моддий-техник ресурслар етказиб бермоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятда такрорий экин экиладиган майдонларда жами 1,7 миллиард тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Олинadиган ҳосилнинг 290 минг тоннаси қайта ишлашга, 147 минг тоннаси экспортга, 42 минг тоннаси келгуси йил ҳосили учун уруғлик захирасига, 219 минг тоннаси ички истеъмолга ҳамда вилоят ички истеъмолидан ортиган 135 минг тонна маҳсулот Тошкент шаҳар ярмаркаларига йўналтирилди.

Келгуси йил баҳор ойларида вилоят бозорларида нарх-наво барқарорлигини сақлаш мақсадида такрорий экин ҳисобидан қиш-баҳор мавсуми учун жами 30 минг тонна, жумладан, 18 минг тонна картошка, 8 минг тонна сабзи, 4 минг тонна шолӣ захира қилинади ҳамда график асосида ойма-ой ички бозорга чиқарилади.

Бунинг учун 37 та экспортёр-тадбиркор, 47 та қайта ишлаш ва 174 та тайёрлов корхонаси, 19 та томорқа хизмати корхонаси маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга бириктирилиб, етиштириладиган ҳосилни қафолатли харид қилиш тизими йўлга қўйилади.

Умуман, ҳудудда аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, замонавий хизмат турларини кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш эъзизига оилаларнинг дастурхонига барака, ҳаётига мазмун қиради.



“САЙЛОВ КУНИ ВА ОВОЗ БЕРИШ БОШЛАНИШИДАН БИР КУН ОЛДИН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ СЎРОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ, САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ПРОГНОЗЛАРИНИ, ЎТКАЗИЛАЁТГАН САЙЛОВ БИЛАН БОҒЛИҚ БОШҚА ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЁЪЛОН ҚИЛИШ, ЖУМЛАДАН, АХБОРОТ ТАРМОҚЛАРИГА, ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИГА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.

“ЖИМЛИК КУНИ”
НИМА УЧУН КЕРАК?

Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси кафедра
мудир, юридик фанлар
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Демак, 9 июль куни бўлиб ўтadиган Президент сайловида 8 июль соат 00:00 дан “жимлик куни” бошланади.

Шу билан бирга, сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни ёълон қилиш, жумладан, ахборот тармоқларига, интернет тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Сайлов куни ва ундан бир кун олдин “жимлик куни” белгиланишига нима зарурат мавжуд? Бунга бир қанча сабаблар бор. Биринчидан, бу сайловчиларга сайловдаги ташвиқотсиз ўз танловини амалга ошириш имконини беради. Яъни бунда ҳар бир фуқаро мустақил равишда ўзи муносиб деб билган номзодни аниқлаш имконига эга бўлади. Иккинчидан, фуқароларга сайлов куни уларнинг эркин танловини амалга оширишга ҳалақит берадиган салбий ахборот таъсирининг олди олинади.

Шу каби тажриба хорижий мамлакатларда ҳам мавжуд бўлиб, бу халқаро сайлов стандартларига тўла мос келади. Хусусан, сайлов куни ва ундан бир кун олдин сайловдаги ташвиқоти юритилишига тақиқ Франция, Италия, Испания, Венгрия, Озарбайжон, Сингапур каби давлатлар қонунчилигида мавжуд.

Шундай қилиб, қонунчилигимизда сайловдаги ташвиқотига йўл қўйилмайдиган кун талаби белгилангани сайловчиларнинг ўз ҳуқуқини эркин амалга ошириш имкониятини кучайтириб, сайловнинг қонуний, адолатли ўтишига муҳим қафолат бўлиб хизмат қилади.



САРҲИСОБ

Жиззах вилояти ғаллакорлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар 233 минг тоннадан зиёд сара дон етиштириб, давлат захираси, биржа савдосига чиқариш ва уруғлик дон жамғариш борасидаги режаларини ошириб бажариб, эл олдида юзлари ёруғ бўлди.

Эришилган бу зафар марраси, албатта, юртимизда кечаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги улкан ишларнинг вилоят миқёсидаги ёрқин натижасидир.

Вилоят ғаллакорларининг кузда яхши ният билан ерга сочган уруғи эл-юртга қўт-барака бўлиб қайтди. Хирмонлар донга тўлди. Яқин йилларда ғаллачиликда бундай ҳосил етиштирилмаганди. Ютуқнинг сирини нимада? Уни билиш, ўрганиш зарур. Келгусида бу қўл келади-да. Очиғи, йил ҳеч қачон деҳқончилик учун қўлай келмаган. Бу йил қишдаги аномал совуқ ғаллакорларга анчагина қийинчилик туғдирди. Яхшиси, уста деҳқону раҳбар-мутахассислар фикрларига бир қўлоқ тутайлик.

— Ҳар пайкалнинг ўз эгаси бор. Ер соҳибни даласига қанча кўп минерал ва маҳаллий ўғит чиқарса, шунга яраша мукофот олади. Ишнинг кўзини биладиган бундай ғаллакор фермерлар ҳудудимизда кўп, — дейди Зафаробод тумани Йўлдош Охунбобоев номидagi сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Ҳамро Исमतов.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

— Чўл ҳудудларда қишда ёққан қор аномал совуқларда майсаларни совуқ уришидан сақлаб қолди. Фермерларимиз ҳар бир агротехник тадбирни вақтида, сифатли ўтказди. Натижада ҳосилдорлик гектарига 90-100 центнерни ташкил қилди, — дейди

Дўстлик туманидаги “Оқ олтин” сув истеъмолчилари уюшмаси ҳосилоти Нусрат Ҳасанов.

— Уруғчиликда ҳикмат кўп, — дейди Пахтакор туманидаги “Наврўз” фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси раиси Анвар Қодиров. — Режани вилояти-

мизда биринчи бўлиб бажардик. Давлатга қўшимча 150 тонна дон сотдик. Хомчулларга қараганда, даромадимиз ҳам чакки бўлмайд.

Ҳа, қайси ғаллакор билан суҳбатлашманг, жорий йил қўлга киритилган ғалабадан кўнгли тоғ эканига

гувоҳ бўласиз. Аммо ютуқнинг ўзи келмайди. Бу айтишгагина осон. Режадаги ҳосилни ўриб-янчиб олиш учун не-не машаққатлар бошдан кечирилмади.

Сўнгги йилларда фермерларга берилган имтиёзлар, фан-техника ютуқлари ҳамда илғор технологияларни жорий этиш каби омиллар муваффақиятлар гарови бўлди. Масалан, Пахтакор туманидаги “Анвар-А” ҳамда “Шер улуг жаҳон” фермер хўжаликларида ҳам илғор технологиялардан унумли фойдаланилди. Шу боис, жорий йилда мазкур хўжаликларда ҳар гектар ғалла майдонидан ўртача 100-115 центнердан ҳосил етиштирилди. Унинг замирида эса тинимсиз меҳнат, самарали излашлар етибди. Беҳор ўтган тўнлар, елиб-югуришлар, сифатли агротехника самараси бу.

Вилоят ғалла хирмони тоғдек юксалди. Ғаллакорлар ҳозиргача давлат захирасига 116 минг тонна, биржа савдоси учун 95 минг 550 тонна ҳамда уруғлик учун 22 минг 369 тонна дон жамғарди. Режадан ортиқча ҳосил фермерлар ихтиёрида қолди. Ҳа, инсон ишлаб, пешона тери тўкиб бойийверса, кўнгли тоза ниятларга тўлаверди. Ислохотнинг моҳияти ҳам шу — ишлаган бой бўлган, шунинг учун у астойдил тер тўқияпти.

Режани бажариш ва етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келган Пахтакор тумани ғаллакорлари бўлди. Улар вилоят хирмонида 37 минг 571 тоннадан зиёд сара дон етказиб берди.

Вилоятда ерни кўз қорачигидай асраб-авайлаб, унга меҳр берган асл

фермерлар кўп. Улар халқимиз дастурхонини тўқин қилишга бел боғлаган. Бундай илғор фермерлар бу йилги мавсумда ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатди. Пахтакор туманидаги Акбар Эшматов бошлиқ “Анвар-А” фермер хўжалиги ҳар гектар ғалла майдонидан ўртача 115 центнер, Мирзачўл туманидаги Шомансур Қўнаров бошлиқ “Шомансур агро” фермер хўжалиги аъзолари 111,1 центнердан хирмон уйиб, энг юқори ҳосилдорликка эришди. Ғалла ўрим-йиғими мавсумида комбайн операторлари асосий оғирликни ўз зиммаларига олди. Улар самарали меҳнат қилиши учун етарли шарт-шароит яратилди. Вилоят далаларида “Кейс”, “Класс”, “Нью Холланд” русумли 300 дан зиёд ғалла ўриш комбайни гуруҳларга бўлиниб, ҳар бирига муайян майдон берилди. Натижада барча техниканинг бир жойда ишлаши, хизмат кўрсатишнинг осонлашиши, харажат камайиши таъминланди.

“Дўстлик агропрофтех” масъулия-текчанган жамиятининг илғор комбайнчиси Зафар Жўраев номи кўпчиликка таниш. У кўп йиллардан буюн ўз агрегатини моҳирлик билан бошқариб, пахта ва ғалла хирмонларига салмоқли ҳисса қўшиб келяпти. Жорий йилда ҳам Зафар 450 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб, пешқадамликни қўлдан бермади.

Айни пайтда вилоят далаларида қизгин меҳнат давом этмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонлар сомондан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинган. Ўрим-йиғим барвақт якунланган далаларда такрорий экинлар экилиб, парвариш ишлари бошлаб юборилди.

Абдушукур ЛАПАСОВ,
журналист

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯнгиЛАНГАН

КОНСТИТУЦИЯ

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақомини мустаҳкамлайди



Бекзод НАРИМОНОВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Мазкур улуғвор ва инсонпарвар стратегияни белгилашда давлатнинг мақоми Конституцияда аниқ белгиланиши жуда муҳим. Давлат мақоми де-ганда, кўз ўнгимизда давлат фаолиятининг ташкил этилиши, унинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилловчи ҳуқуқий ва сиёсий институтлар мажмуи гавдаланади. Бошқача айтганда, давлат мақоми давлатнинг ўзига хос “бренди”, дейиш мумкин. Бундан келиб чиқадики, давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми қанчалик барқарор ва инсонпарвар бўлса, фуқароларда эртанги кунга умид шунчалик юқори бўлади, уларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Агар давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми мустаҳкам ва барқарор бўлмаса, бу сиёсий беқарорликка, ижтимоий низоларга, иқтисодий та-назулга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Конституцияда белгиланган асосий принципларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар Конституциянинг бошқа қоидалари ва қонун ҳужжатлари учун бирламчи норматив асос вазифасини бажаради. Яъни давлат суверенитети бобда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий, ижтимоий мақоми берилиши нормани ортқича гаплар билан тўлдириш эмас, балки мазкур хусусиятлар Ўзбекистоннинг энг олий мақсадлари эканини аниқлатади. Бундан ташқари, “Асосий принциплар” бўлимида миллий давлатчиликнинг асосий мақсади белгиланиши давлатнинг моҳиятини ҳам очиб беради.

Умуман олганда, Асосий қонунимизнинг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз борганда, янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизда “ҳуқуқий давлат” тушунчаси илк бор ўрин олиб, унинг таърифи келтирилганини таъкидлаш жоиз. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди. Бу, аввало, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда адолат ва қонун устувор

“ ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 55-МОДДАСИГА КЎРА, ДАВЛАТ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ БЎЗСА, УЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ МУСТАҲКАМЛАНДИ. ШУНИНГДЕК, ШАХСГА ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯГА ДОИР БАРЧА ИЧКИ ИМКОНияТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ БЎЛГАНИДАН СЎНГ, ХАЛҚАРО ОРГАНЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛГАНИ ФУҚАРО ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАШАЁТГАН МАСАЛАСИНИ КОНВЕНЦИЯ, ХАЛҚАРО ПАКТ КАБИ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲАЛ ҚИЛИШ ИМКОНияТИНИ ЯРАТАДИ.

бўлишини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хўш, янгиланган Конституциямизга кўра, Ўзбекистоннинг “ҳуқуқий давлат” мақоми моҳияти нимада акс этади?

Ҳуқуқий давлат, бу — демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлат.

Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг “ҳуқуқий давлат” мақоми қуйидагиларда акс этади.

Биринчидан, тан олишимиз керак, олдин фуқаролар кундалик ҳаётда Конституцияда белгиланган нормаларга мурожаат қилган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда қийинчилик ва оворагарчиликларга дуч келар эди. Масалан, суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилиш ҳолатлари фуқароларни кўп йиллар қийнаб келди.

ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланиши, фуқароларга халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқи берилиши конституциявий нормаларга риоя этиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар ҳаёт қоидаси бўлиши позимлигини аниқлатади.

Иккинчидан, олдин амалиётда аксарият ҳолларда давлат манфаатларига устунлик бериш ҳолатларига гувоҳ бўлганмиз. Шу сабабли, янги тахрирдаги Конституцияда “**Инсоннинг кадр-қиммати, шаъни ва гуруди бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак**”, деган эзгу ғоя асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий кафолатлар халқаро стандарт ва талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди.

Янгиланган Конституциямизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари,



“ ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН АСОСИЙ МАҚСАД ХУСУСИЙ МУЛК ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШ ҲИСОБЛАНАДИ. ИНСОННИ МОЛ-МУЛКИДАН СУДНИНГ ҚАРОРИСИЗ МАҲРУМ ЭТИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИ БЎЙИЧА КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВА ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИТОРЛАРИНИНГ МОЛ-МУЛКИДАН МАҲРУМ ЭТИЛИШИГА ОИД ХАВОТИРЛАРИГА ЧЕК ҚЎЯДИ.

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди, деб мустаҳкамланди.

Яъни инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини таъминлашни давлат ўз зиммасига мажбурият сифатида олди. Мазкур конституциявий норма Ўзбекистон демократия ва инсон ҳуқуқларининг умумэтирофи этилган ғоя ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Учинчидан, айрим ҳолларда, қонунчилик билан фуқарога бажариб бўлмайдиган ёки бажариш қийин бўлган мажбуриятлар юқлатишига гувоҳ бўлганмиз. Аслида, қонунлар инсонга ҳеч қачон ортқича талаб қўймаслиги керак. Қонун инсон ҳаётини оғирлаштириши эмас, балки имкон қадар енгиллик бериши лозим.

Шу сабабли, янги тахрирдаги Конституциянинг 20-моддасига кўра, **давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир қўралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланди.**

Ушбу норма давлат билан бўлган муносабатларда инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш имкониятини кенгайтиради.

Тўртинчидан, замон ривожланган сари инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида қонунчиликдаги турли зиддият ва ноаниқликлар юзага келиши мумкин. Олдин шундай ҳолларда кўпинча давлат органлари ва мансабдор шахслар давлат манфаатига устуворлик бера эди. Шу боис, янги конституциявий норма орқали зиддиятли ва ноаниқликлар юзага келган вазиятлар бўйича ҳуқуқий ечим беришда инсонга ён босиладиган, инсон омилига устуворлик бериладиган бўлди.

Ушбу тамойил аввал жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида кенг қўлланиб келган бўлса, эндиликда ушбу тамойилнинг Конституцияда мустаҳкамланиши инсон иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга талқин этиш имконини берди.

Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатга киришишида қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилик ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинишининг Конституция даражасида белгиланиши, энг аввало, инсон қадрини улуғлаш бўйича улуғвор ғоянинг амалга татбиқ этилишига, ҳужжатларда ноаниқлик ва қарама-қаршилик пайдо бўлганда давлат манфаатлари эмас, инсон манфаатлари устунлиги таъминланишига олиб келади.

Бешинчидан, Ўзбекистонда ҳар бир шахс ҳуқуқларини шахслар эмас, қонун, одил суд ҳимоя қила олишига, ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топиллишига эришил лозим. Шундагина, суд тизими бошқа соҳалар ривожига ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Яъни чинакам мустақил ва қонун устуворлигига асосланган суд тизими бошқа барча соҳалар, хусусан, таълимда ҳам, соғлиқни сақлашда ҳам, бизнесда ҳам туб ўзгаришлар амалга ошади.

Шу нуктаи назардан, янги тахрирдаги Конституцияда шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортқ мuddат ушлаб туриш мумкин эмаслиги, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ барча ҳаракатларга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши, айбланувчи ва судланувчиларнинг “сукут саклаш” ҳуқуқи сақлашланди.

Бу янгилликлар тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга, асоссиз қamoққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган янги конституциявий объектив реаллик ҳисобланади. Бу орқали

суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлашни, жиноят процессида тортишув принципини қўлайтиришни назарда тутадиган ҳамда халқаро эътироф этилган “Хабас корпус” институтининг қўлланиш қўламини янада кенгайтирди.

Мазкур ислохотнинг аҳамиятини қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатиб турибди: 2022 йилда тергов органларидан судларга келиб тушган жами 24 мингдан зиёд илтимосномадан 23,5 мингтаси қаноатлантирилган, 480 дан ортиғи эса рад этилган, яъни 480 дан ошқ шахсга нисбатан асоссиз равишда қoқмoқ эҳтиёт чораси қўлланишининг олди олинган.

Олтинчидан, мулккий ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш тизими ҳар қандай давлат ва жамият ривожланишининг асосий омилли ҳисобланади. Мулкдор ўз мулкни ишончли ҳимоя қилинишига тўлиқ ишонасгина эртанги кунга умиди бўлади, тадбиркор бизнесини ривожлантиришга бор вужуд билан ҳаракат қилади.

Инсонга мулкдорлик ҳиссидек мотивация берадиган куч бўлмаса керак. Шунинг учун хусусий мулк дахлсизлиги бўйича қўллаб тизимли муаммоларга Конституция даражасида ечим берилди.

Янгиланган Конституциямизнинг 65-моддасида хусусий мулк дахлсизлиги мустаҳкамланиб, шунингдек, мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Хусусий мулк дахлсизлигининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашдан асосий мақсад хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишни ишончли таъминлаш ҳисобланади. Инсонни мол-мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этиш мумкин эмаслиги бўйича конституциявий норма юртдошларимиз ва чет эллик инвесторларнинг **мол-мулкидан маҳрум этилишига оид хавотирларига чек қўяди.**

Биргина мана шу модда билан халқимиз ҳаёти янада фаровонлигининг ҳуқуқий асоси, таъбир жоиз бўлса, ҳаётбахш омилли яратилди, дейиш мумкин. Боиси, чет эллик инвестор бирор мамлакатга сармоя киритиш учун, аввало, шу давлат қонунчилигини, бизнес муҳит кафолатларини, хусусан, конституциявий база мустаҳкамланган ёки йўқлигини ўрганиб чиқади. У қачонки ўзи киритган сармояни ҳеч бир тўсиқларсиз ишлатиш, бизнесини эркин йўлга қўйиш ва топган фойдасини ихтиёрига кўра, сарфлашга ишонч ҳосил қилсагина шу мамлакатга кириб келади.

Янги тахрирдаги Конституциямизда хусусий мулк дахлсизлигининг конституциявий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши янги Ўзбекистонда ана шундай ишончли муҳит яратилишига замин бўлди.

Еттинчидан, Асосий қонунимизнинг 154-моддасида **Ўзбекистоннинг суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат мақоми ўзгармаслигининг белгиланиши** Конституцияда мустаҳкамланган мажбурият ва тамойиллар барқарор эканлиги ва уларнинг сўзсиз бажарилиши давлат томонидан кафолатланишини аниқлатади.

Унда белгиланган Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақоми Конституциянинг бошқа нормалари учун бирламчи норматив асос, қолаверса, Ўзбекистон ва халқимизнинг энг олий мақсадини аниқлатади. Бунда Конституция устунлигининг асоси фақат Конституция бўлиши мумкин. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақоми қайта қўриб чиқилиши мумкин эмаслигига оид қатъий норма белгиланди.

Мазкур норма давлат ўз манфаатлари ёки жамиятдаги алоҳида гуруҳлар манфаатлари учун эмас, балки ўз фуқаролари манфаати учун ишлаши кераклигини билдиради.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақоми бевосита жамиятнинг демократик ривожланиш эҳтиёжларига мос равишда кўп миллатли Ўзбекистоннинг ягона халқи иродаси ҳисобланади. Яъни цивилизация жараёнининг замонавий босқичи учун умумий бўлган объектив қонунларга, шу жумладан, демократия, қонун устуворлиги, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари таъминланиши Ўзбекистон ягона халқининг манфаатлари ва қадриятларига мос ҳолда амалга оширилади.

Давлатнинг ҳуқуқий давлат сифатида ўзгармас мақоми инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатли ҳимоя қилинишига ишонч беради. Бошқача айтганда, давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилса ва ҳурмат билан муносабатда бўлсагина одамлар ўзини хавфсиз ва ҳимояланган ҳис қилиши мумкин.

Умуман, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақоми демократик институтлар ва тамойилларнинг мустаҳкамланишига, одамларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларни жазоловчи ёндашувдан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ва ҳимоя қилувчи ёндашувга ўзгариштиришга, мамлакатимизнинг “Ҳуқуқ устуворлиги индекси”, “Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси” каби халқаро рейтингларда ўрни ошишига хизмат қилади.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ФАН — ТАЪЛИМ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗВИЙ АЛОҚАДОРЛИГИ

қандай имкониятларни ишга солишга асос бўлади?



Феруза ЎСАРОВА,
ЎЗР ФА ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги
тарихи маркази
директори в.б.,
сиёсий фанлар номзоди,
социент

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда бу муҳим уч тизимнинг яқин ўтмишдаги ҳолатини қуриб беихтиёр “Оққуш, чўртанбаллик ва қисқичбақа” эртаги ёдга келади. Нима учун дейсизми? Чунки олдинлари ўта тарқоқ уч тизим, яъни фан — таълим — ишлаб чиқариш худди шу эртақдагидек, самарасиз фаолият юритарди. Айрим соҳа ва тармоқ кадрлар дипломи тоқчаларда чанг босиб ётар, тегишли соҳага ўқиган, аммо ишсиз мутахассислар ҳам оз эмасди. Илм-фан ютуқлари эса қўғозда қолиб кетар, ишлаб чиқариш самарадорлиги жуда пасайиб кетганди.

Бу камлик қилганидек, иқтисодиётнинг ҳақиқий локомотиви бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби зарур мутахассислар камайиб, бу каби соҳаларга эътибор етарли даражада эмасди. Ваҳоланки, фан — таълим — ишлаб чиқариш тизимларининг ўзвий алоқадорлигини таъминлаш ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланишида муҳим омил ҳисобланади...

Ҳозирда юртимизда фан — таълим — ишлаб чиқаришда узвий ҳалқа тикланиб, кластер шаклида фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, олий таълим ўқув жараёнарига ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали ва тажрибали мутахассислари ҳам жалб қилинаётди. Ўз навбатида, олий ўқув юртлари талабалари, профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ва стажировка ўташи тизимли йўлга қўйилмоқда.

Энди олий ўқув юртлари иқтисодиётдаги замонавий корхоналарнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлайди. Талабалар олаётган назарий билимининг инновацион ҳамкорлик асосида худди ўша корхоналарда амалий томондан мустаҳкамлайди. Улар шу даврда ўзларини қизиқтирган мавзуда инновацион лойиҳаларни шакллантириш, яратилган ишланмаларни корхоналар амалиётига жорий этиш ва тижоратлаштириш фаолиятини амалда ўрганади. Масалан, жорий йилнинг ўзида “Ўзбекнефтгаз” жамиятининг 3 та ишлаб чиқариш корхонаси, 6 та таълим ташкилоти ва 4 та илмий-тадқиқот ва

малака ошириш муассасасидан иборат нефть ва газ соҳасида таълим — ишлаб чиқариш кластери ташкил этилди. Олий таълим муассасаларида дарс бериш учун ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали ва тажрибали 20 нафар мутахассиси жалб қилинди, талабалар ҳамда профессор-ўқитувчи ва илмий ходимларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ва стажировка ўташи ташкил этилди. Шу қаторда иқтидорли талабалар учун ишлаб чиқариш корхоналари стипендиялари жорий қилинди. Бу юқорида айтилган уч тизимнинг уйғунлигида ишлашига оид айрим натижалар, холос.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан ишлаб чиқариш корхоналарининг 24 ходими бакалаврият ва 6 нафарига магистратурада ўқиш учун тавсиянома берилган. Аҳамиятлиси, ўқув-контракт тўловлари ишлаб чиқариш корхоналари томонидан амалга оширилган.

Бунинг мантқий давоми сифатида корхоналар қошида ўқув марказлари очилиб, уларда ходимлар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида ўқиши йўлга қўйилди.

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро шерикчилиги кадрларнинг назарий ва амалий томондан инновацион қобилияти шаклланишига асос бўлмоқда. Масалан, Фанлар академиясининг 65 академиги 33 та академик лицей, 27 та касб-хунар коллежи, 29 та олий таълим муассасасига бириктирилди. Энди устозлар иқтидорли

гетика компаниялари вакиллари ҳамда олимлар, илмий ва амалий ходимлар, докторантлар ва бакалаврият талабалари иштирок этган тадбир якунида “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва Тошкент давлат техника университетида “Электр таъминоти” соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш” бўйича “Йўл харитаси” тузилди ва унда белгиланган вазифалар тизимли амалга оширилмоқда. Бу каби тадбирлар ишлаб чиқариш корхонаси ва олий таълим ўртасидаги ҳамкорлиқнинг ёрқин ифодаси, десак муболаға бўлмайдим.

Охириги йилларда юртимизда олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида илм-фан ва инновациялар устувор соҳага айланмоқда. Жумладан, битта илмий лойиҳани молиялаштириш ҳажми 3,5 баробар кўпайиб, мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртлари йирик илмий-тадқиқот марказларига айланиб бориши эътиборга лойиқдир. Энди олий таълим муассасасининг вазифаси фақат талабаларни ўқитиш эмас, балки изчил илмий фаолият олиб бориши, ёшларни илмий тадқиқотларга жалб қилиши ва йирик лойиҳаларни амалга ошириши ҳам лозим.

Айтайлик, Тошкент давлат техника университетида фаолият кўрсатаётган



ёшларни топиш, уларни тегишли мутахассисликларга жалб эта олиш имконияти яратилди.

Албатта, илм-фан ҳақида гапирилганда, гендер тенглиги индикаторини унутмаслик муҳим. Жамиятда ва илмий фаолиятда хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, уларнинг самарали иштироки юзасидан шарт-шароитлар яратилиши натижасида бугунги кунда илмий даражада тасдиқланганлар таркибига аёлларнинг улуши 40 фоизга яқинни ташкил этади (DSc бўйича 31 фоиз, PhD бўйича 36 фоиз).

Ёки яна бир мисол. Ўтган йили “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг “Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази”да “Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини рақамлаштириш шароитида электр тармоқлари корхоналарини инновацион ривожлантириш” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Грузия, Корея, Россия ва Германиянинг соҳа экспертлари, энер-

18 та илмий тадқиқот ва инновация марказида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, ёш олимлар ва иқтидорли талабалар иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларини илмий-техник ривожлантиришга хизмат қиладиган устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб бормоқда. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик механизмининг йўлга қўйиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларни иш билан таъминлаш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни кучайтириш мақсадида 7 та илмий-техник кенгаш фаолият юритапти. Мазкур университет тармоқ ишлаб чиқариш корхоналари билан 135 дан ортиқ инновацион корпоратив ҳамкорлик шартномаси имзолаган.

Биргина 2021 йили университетда ишлаб чиқариш корхоналари бюрт-масси асосида жами 2956,14 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилган эди. Уларни тижорийлаштириш бўйича Навоий кон-металлургия комбинати билан қиймати 1080 миллион сўмлик 3 та лойиҳа, Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан 280 миллион сўмлик 1 та лойиҳа, “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан 102 миллион сўмлик 2 та лойиҳа, “Қизилқумгеология” корхонаси билан 600 миллион сўмлик 1 та лойиҳа амалга оширилган эди. Бу каби мисоллар кўп бўлмаса-да, жараённинг бошланишига имкон яратилганининг ўзи дадил қадамдир.

Хулоса қилар эканмиз, фан — таълим — ишлаб чиқаришнинг кластер шаклида ишлаши иқтисодиётнинг ҳақиқий локомотиви бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассисларнинг сифат ва сон жиҳатдан кўпайишига, бу эса ўз навбатида, саноатни юқори малакали кадрлар билан таъминлашга, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри таътиб этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

БАРКАМОЛ АВЛОД



КЕЛИНГ, ИШТИРОК ЭТИНГ ВА БИЗ БИЛАН ЮКСАЛИНГ!

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Меҳнат бозорига ҳар йили ёшлардан иборат салмоқли ишчи кучи кириб келади. Бу, ўз навбатида, навқирон авлоднинг таълим олиши, ишга жойлашиши билан боғлиқ масала ва муаммоларга ўз вақтида ечим топишни тақозо қилади.



Ўқувчиларда касб-хунар кўникмаларини шакллантириш мақсадида умумтаълим муассасаларида тўғрақлар ташкил этиш ишлари жадал давом этмоқда. Бунда биринчи галда талаб ва тақлиф қўл бўлган ахборот-коммуникация технологиялари,

“Баркамол авлод” республика болалар мактаби бугунги кунда 21 та халқаро ва маҳаллий идора, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Улар билан биргаликда форум, конференция, давра суҳбати, семинар ва ўқув-тренинглар ташкил этилади, ўқув дастури ва



IT инжиниринг, таржимонлик каби йўналишларга урғу берилган.

Ўқувчиларда касб-хунарга қизиқиш уйғотиш, муайян кўникма ва малака пайдо қилиш, улар қобилиятини тўғри йўналтириш, бўш вақтини мазмунли ва фойдала ўтказишда “Баркамол авлод” мактаблари катта аҳамият касб этади. Бугунги кунда жойларда 219 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

2021 йилда ушбу мактаблардаги 7 минг 527 та тўғрақка 216 минг 764 ўқувчи ёшлар жалб этилган бўлса, 2023 йилда тўғрақлар сони 10 минг 472 тага етиб, унинг аъзолари эса 306 минг 310 нафарни ташкил қилди.

Тўғрақ машғулотларида, асосан, янги инновацион методлардан фойдаланилмоқда. Айни пайтда 7 йўналишда 79 номдаги тўғрақлар фаолият кўрсатаяпти. Ҳар бир йўналиш учун махсус ўқув дастури ва қўлланма ишлаб чиқилган.

Биргина Зомин тумани мисолида айтадиган бўлсак, худуддаги ўқувчи ёшларни замонавий касбларга тайёрлаш марказида 21 номдаги тўғрақлар фаолият юритиб келади. Уларнинг ҳаммаси ўқув-дастур, STEAM таълими бўйича дастур ва қўлланмалар билан таъминланган. Қолаверса, Ўзбекистон Бадий академияси аъзоларининг маҳорат дарслари ўтказиб келинади.

“Баркамол авлод” республика болалар мактаби ҳузурида “Иқтидорли болалар кенгаши” ташкил этилган. Ўтган йил давомида Кенгаш аъзолари ўтказган тарғибот тадбирларига 75 мингдан зиёд ўқувчи қамраб олинди. 1 минг 200 га яқин иқтидорли болалар рўйхати шакллантирилган. Уларнинг 143 нафари халқаро, 1 минг нафари республика миқёсидаги танловларда ғолибликни қўлга киритган.

“ОТА-ОНА ВА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ, УЛАРНИНГ “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТЎГАРАКЛАРГА ОНЛАЙН ТАРЗДА АЪЗО БЎЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ЗАРУР БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕЗДА ОЛИШЛАРИ УЧУН WWW.BABM.UZ МАКТАБ РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИ ИШГА ТУШИРИЛДИ ВА ТЕЛЕГРАМ РАСМИЙ САҲИФАСИДА @BARKAMOLAVLOD_BOT ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

қўлланмалар ишлаб чиқилади, тўғрақларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади.

— Асосий мақсадимиз жойлардаги “Баркамол авлод” мактаблари йўналишларини замонавийлаштириш, ўша жойининг талаб, тақлиф ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги тўғрақлар ташкил этиш, машғулот-

бўлишини таъминлаш ҳамда зарур бўлган маълумотларни тезда олишлари учун www.babm.uz мактаб расмий веб-сайти ишга туширилди ва телеграм расмий саҳифасида @barkamolavlod_bot фаолияти йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик йўналишидаги алоқалар ҳам ривожланмоқда. Жумладан, жанубий кореялик мутахас-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

лар самарадорлигини янада ошириш, мавзу бўйича қўшимча маълумотлар беришдан иборат, — дейди “Баркамол авлод” республика болалар мактаби директорининг биринчи ўринбосари Йўлдошхўжа Акбаров. — Айни шу мақсадда педагог ходимлар учун ўнлаб онлайн ва офлайн семинар-тренинглар ташкил этилди, мактабнинг расмий фејсбук саҳифасида ўқувчи ёшлар учун онлайн машғулотлар ўтказилди. Уларга 20 минг нафар педагог ходим ва ўқувчи жалб этилди.

Қобилиятсиз бола бўлмайдим, фақат унинг қизиқиш ва интилишини билиш, шунга мувофиқ тўғри йўналтириш, иқтидорини кашф этиш ва рағбатлантириш лозим. Айни шу мақсадда мактаблар томонидан тўғрақ аъзолари учун йил давомида 20 та кўрик-танлов ташкил этилди.

сислар билан ҳамкорлиқда “Баркамол авлод” болалар мактабларида АКТ йўналишидаги мутахассислар малакасини ошириш, уларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида жойларда ўндан зиёд ўқув-семинарлари ташкил этилди, 354 нафар ходим малака оширди. Бунинг натижасида замонавий турдаги дастурлаш тўғрақларини ташкил этиш имконияти пайдо бўлди.

“Баркамол авлод” болалар мактабнинг шу каби интилувчан ўқувчи ёшлар қамровини ошириш, уларга қўшимча мотивация бериш, аниқ соҳа — касбга йўналтиришнинг янги имкониятларини топиш ва амалиётга таътиб этиш асосий мақсадлардан бирига айланган.

Таманно ТЎРАЕВА,
журналист



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

янги НАШР



Лукмон БҮРИХОН,
ёзувчи

Таниқли ёзувчи, драматург Ғафур Шермуҳаммад қаламига мансуб, яқиндагина “Адабиёт” нашриёти томонидан чоп этилган “Марди майдон” китобидан жой олган асарлар лейтмотивини, менимча, худди шундай ғоялар ташкил этади. Чунки тўпламдаги қиссаларнинг, ҳикояларнинг қаҳрамонлари — дала-дашт фарзандлари, андак тўпори, андак қизикқон, андак беандиша, шу баробарида, юракларида ор-номус, танглик, диёнат мавж уриб турган одамлар. Уларнинг аксарияти беш-олти овулдан нарига ўтиб қўрмаган, лекин кўнгиллари дунё қадар кенг. Албатта, муаллиф ўз қаҳрамонларини оппоқ ёхуд қоп-қора рангларда жунгина тасвирлаб қўймайди, аксинча, уларнинг феъл-атвори-ю, ҳис-туйғуларини, ҳаётини тўтумларини бутун мураккаблигича қозғога тўкади, шу боис, асарлардаги ҳарча персонажлар жонли, тирик одам сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Гўё улар бизга кўпдан бери танишдай, қайлардадир учрашиб суҳбатлашгандай таассурот туғдиради. Бошқача таърифлаганда, каттаю кичик персонажларнинг ҳаммаси юрагимизга яқин, қадрдон.

Масалан, “Барақасини берсин” қиссасидаги Қўлмурод ва Ҳайдар образлари. Аввал бошида улар одамгарчилик сиёғи йўқ, қув-яйёр қаҳрамонлар сифатида таассурот уйғотади, мутлоаа жараёнида эса уларнинг ҳам имони бут, бировнинг ҳақидан қўрқадиған, диёнатли одамлар эканига гувоҳ бўламиз. “Қудуқ”даги Эрат чўпон ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Унинг Лаллайни чўқурга қамаб қўйиши, шафқатсизлиги ўқувчиға аввалгига малол келади, ичимизда нафрат пайдо қилади, кейинроқ у ҳам мардлик-танглилик ҳислатларидан беҳабар эканига гувоҳ бўламиз. “Қудуқ”даги Эрат чўпон ҳақида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Унинг Лаллайни чўқурга қамаб қўйиши, шафқатсизлиги ўқувчиға аввалгига малол келади, ичимизда нафрат пайдо қилади, кейинроқ у ҳам мардлик-танглилик ҳислатларидан беҳабар эканига гувоҳ бўламиз.

ТАЪТИЛ

Ёз — мактаб ўқувчилари учун энг завқли ва мароқли фасл. Албатта, ҳар бир ота-она ёзги таътилда фарзандини яхши шароитта эга дам олиш масканларига жойлаштириш ҳаракатида бўлади. Боиси, таътилда мириқиб дам олган бола янги ўқув йилини юқори кайфиятда, ўзгача иштиёқ билан бошлайди.

Айни пайтда юртимиздаги барча болалар оромгоҳлари гавжум. Навоий вилоятида ҳам бугунги кунда худди шундай 18 та маскан фаолият юритиб, уларнинг 11 таси стационар, 5 таси кундузги, 2 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир. Ушбу масканларда ёз бўйи 15 440 нафар боланинг мароқли дам олиши режалаштирилган.

“Навоийазот” акциядорлик жамиятига қарашли “Офтобжон” болалар ёзги дам олиш оромгоҳи 17 гектар майдонга эга бўлиб, ўзининг хушманзара табииоти билан ажралиб туради. Оромгоҳда болаларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун пухта тайёргарлик қўрилган. Маскан бир ораликда 320, мавсум давомида 1300 га яқин болани қабул қилиш имкониятига эга. Мухими, манзилда дам олувчиларни соғломлаштириш учун барча чора-тадбирлар қўрилган.

ЭНГ ЗАВҚЛИ ДАРГОХ

болаларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишида муҳим ўрин тутади

— Оромгоҳимизда “Навоийазот” акциядорлик жамияти ишчи-ходимларининг фарзандлари йўлланма асосида ҳордиқ олади. Бу ерда 41 педагог фаолият олиб борапти. Улар тарбиячи, етакчи, тўғарак раҳбари ва спорт йўриқчиларидан иборат. Дам олувчилар қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, 14 йўналишдаги тўғаракларга жалб этилмоқда. Шунингдек, бу йилги мавсумдан оромгоҳимизда компьютер хонаси ҳам ташкил этилди. Бу эса ахборот технологиялари ва дастурлашга қизиқадиган ёшлар учун қўшимча имконият яратди, — дейди оромгоҳ директори Дилбар Умарова.

Оромгоҳда болаларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Замонавий, шинам ётоқхона, болалар бассейни ва мавжуд тўғараклар болаларга ҳақиқий завқ бағишлайди. Шунингдек, махсус таомномалар асосида тайёрланаётган беш маҳал мазали овқат, болалар ақлий салохиятини янада ривожлантиришга



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девоҳхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январь 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
44232 нусхада босилган.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида бошланди. Қўғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиж: Шероз Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 21:30 Топирирди — 23:35

Маърифат

Қиссалардаги қадрдон шефалар

Мардлик, диёнат, ҳалолилик, садоқат, ор-номус каби фазилатларнинг муайян макон-манзили йўқ. Шунингдек, бундай фазилатларга эришиш учун инсон маданият-маърифат марказларида яшаши, турли ўқув даргоҳлари тупроғини ялаган бўлиши ҳам шарт эмас. Олис-овлоқ гўшаларда, оддийгина умргузаронлик қила туриб ҳам инсон ўз эътиқоди, имони туйфайли қадр-қиммат топа олади.

олис мустабид тузум давридаги воқеалар асос қилиб олинган бўлса-да, лекин у бугун ҳам юрагимизга яқин. Чунки унда ўзбекнинг ҳаёт тарзи, феъл-атвори, хислату иллатлари, дарду ҳасрати, орзу-армонлари улкан самимият билан тасвирланган. Бу қисса бош-адоқ тимсоллар тизимига қўрилган, дея бемалол таърифлашимиз мумкин. Аввало, бош қаҳрамон соддалиги, ишонувчанлиги, садоқати, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, матонати, бардоши билан ўзбек халқининг чинакам тимсолидир.

Қудуқ нима? Бу ўзбекнинг сабр косаси. Балки Лаллай қовлаган қудуқ бирор кун сувга тўлиб-тошар, аммо ўзбекнинг

ўша дала-даштга бориб, Тўлабойни топиб, қўлларини сиқиб қўйгимиз келади. Бу образ ҳам фарзандларимизни мардона, танти қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, деб бемалол айтишимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Ғафур Шермуҳаммаднинг “Марди майдон” тўпلامидан жой олган



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

қиссаларнинг, ҳикояларнинг барчаси миллий колоритга бой, ҳар сатрида содда ва қайсар дашт одамлари нафаси уфуриб туради, юрагимизга соғинч, хайрихоҳлик, шафқат сингари соҳир туйғулар сизиб қиради. “Барақасини берсин”, “Тенгиз”, “Таъзиядаги тўй”, “Марди майдон” — қай бирини мутлоаа қилмайлик, муаллифнинг оддий одамлар ҳаётини яхши билишсини, уларнинг дардини юракдан ҳис этишини, эл билан ҳаммаша ҳамдард, ҳамнафас эканини англаймиз. Алҳол, асарларнинг бадийи етуқлигига, тасвирларнинг тиниқ ва жонли қиқишига худди шу жиҳатлар таъсир қўрсатган бўлса, ажабмас.

Модомики, сўз миллийлик, оригиналлик, бадийи жозибадорлик ҳақида бораркан, бу борада тўпламдаги “Қудуқ” қиссаси яқол ажралиб туради. Асар қаҳрамони Лаллай, атоқли адабиётшунос олим Шухрат Ризаев таъкидлаганидек, тишидан тирноғигача ҳақиқий ўзбек. Ўзбекнинг турли рақуслардан олиб қўрсатилган ёрқин тимсоли. Қиссага

сабр косаси жабру жафолардан, ситамлардан ҳеч қачон тўлиб-тошмайди, аксинча, аламлар, армонлар қўпайгани сайин у янада чўқурлаша боради. Муаллиф айнан шундай фалсафий тўтумларга асосланган бўлса, ажабмас. Асар бош қаҳрамонининг исми ҳам ўзига хос, ўзбекана, уриб бировнинг қонини тўқмайди, аксинча, бисотидаги яккаю ягона жонлиқни сўйиб қон чиқаради ва... дилини оғритган ўша касларни йиғиб худойи ўтказади. Қисса мутлоаа жараёнида тагин англаймизки, Лаллай қудуқ қовлаган сайин чўқурга, қоронғиликка кириб кетаётгани йўқ, балки бамисли чўққига тирмашган чапдаст спортчи сингари ўқувчи кўз ўнгида тобора баландга кўтарилиб, нурга, ёғдуга беланиб бороваради. Зеро, инсонни билал қўватидан кўра, юрагидаги, руҳиятидаги қудрат қосқатпирди. Муаллиф ўзбекка шараф келтирадиган худди шу хислатларини тиниқ ва таъсирчан ифодалай олган. Шу ўринда кичик бир мулоҳаза: Дониёр бува ва Чорининг ширинқудуқ орзусидаги суҳбати акс



МАРДИ МАЙДОН
ҒАФУР ШЕРМУҲАММАД

этган лавҳа асарнинг илк бобида келса, максадга мувофиқ бўларди. Чунки қисса айнан ўшандай ширин сувли қудуқ қовланиши билан яқун топяпти. Яъни асар аввалидаги тугун очилапти.

Ғафур Шермуҳаммаднинг мазкур тўпламидан жой олган “Таъзиядаги тўй” қиссаси ҳам ўзига хос. Муаллиф кичик бир асарга ҳаётимизда бот-бот учрайдиган, дилларни ғашлайдиган катта муаммоларни маҳорат билан жойлай олган. Жумладан, бугунги кунда нафақат катта шахарларда, балки олис овулларда ҳам номаъқул анъанага айланиб улгурган бидъат-хурофотларни аёвсиз фош этади. Асар теша тегмаган ибораларга, нозик қочиримларга бой. Қуйидаги мисол фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди, деб ўйлаймиз:

“ — Мен тарқата қолай! — Норча беихтиёр пулга қўл чўзди.
— Сиз ҳисобдан адашиб кетасиз.”

Таъкидлаганимиздек, қисса гарчанд мутўйба, юмор, кулги билан битилган бўлса-да, мутлоаадан сўнг ўқувчи беихтиёр маънос тортиб қолади, эзгин ўйлар исканжасига тушади. Шу ўринда яна бир истихоло: тўпламдаги асарларга “Киноқисса”, “Сатирик қисса” қабилида изоҳлар берилган. Менимча, бунга ҳоҳат йўқ. Қолаверса, мутлоаа давомида ўқувчининг ўзи асар қўқ бир жанрга мансублигини билиб олгани маъқул.

Аёлнинг матонатини, тадбиркорлигини, садоқатини, собит иродасини тарафун этувчи “Тенгиз” қиссаси тўпламга алоҳида кўрк бериб турибди, дейишимиз мумкин. Асарда давр нафаси сезилади. Бугунги кунда мамлакатда кечаётган туб ислохотлар, ижобий ўзгаришлар самияти билан ифода этилган. Қиссада бир қатор замондош, қадрдон қаҳрамонлар қиёфасини учратамиз. Уларга қўшилиб қувонамиз, улар билан эртанги кун учун ташвиш чекамиз. Юрагимизга, руҳиятимизга қўтаринчилик, шижоат сизиб қиради. Шунингдек, “Тенгиз” қорақалпоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги қардошлик,

дўстлик, аҳиллик янада мустаҳкам, янада бардавом бўлишига улкан ҳисса қўлишига ишонамиз. Аммо айрим ўринларда қиссанинг асл насли фильми учун сценарий бўлгани сезилиб қолган. Бу талабчан ўқувчиларни ранжитмай қолмайди. албатта. Бу борада муаллиф кейинги нашрларда янада жиддийроқ ёндашади, деган умиддамиз.

Ҳар қандай қаламқашнинг иқтидорини, салохиятини баҳолашда унинг сўз қўллашига, матн устида ишлашига, халқ тилини нечоғлиқ билишига эътибор қаратамиз. “Марди майдон”ни шу нуқтаи назардан кузатсак, Ғафур Шермуҳаммаднинг истеъдодига, тажрибасига яна бир қарра гувоҳ бўламиз. Ёзувчининг сатрлари пишиқ-пuxта бўлишидан ташқари бадийи бўёқларга бой, тасвирлари тиниқ ва таъсирчан. У нозик чизма билан ўқувчи кўз олдида жонли манзара яратиш баробарида бадийи завқ улашади. Жумладан, “Ўмирдан бебаҳра қолган лалми майса каби қоллар...”, “Юраги чўғи ўчаан тандирдек совуб қолган...”, “Қибла қизариб, еўё оламага ўт ўрлаган-у, унинг учи-таши ҳам ўша оловга туташиб кетмаддек эди...” сингари қўйма, асар моҳиятини тўлароқ ифодаловчи сатрлар қўлпаб учрайди. Шунингдек, тўплам тасавуриимизни бойитадиган, бадийи лаззат берадиган нақлларга, мақолларга бой.

“Саксон — яқсон...”
“Тентакни қочган томонига қув...”
“Туйнинг қўрқи ўртақаш билан, таъзия қўрқи ҳассасах билан...”

Албатта, юқоридаги каби нимабассум уйғотадиган, серишора, сермазмун ибораларни қўлпаб келтириш мумкин. Уларнинг барчаси муаллифнинг халқ жонли тилини яхши билишидан, доимо изланувчан ижодкорлигидан дарак беради.

“Марди майдон”дан ўрин олган қиссалар ўз вақтида даврий нашрларда ҳам эълон қилинган. Жумладан, “Барақасини берсин”, “Таъзиядаги тўй” ўн йилча аввал адабий жамоатчилик севиб кузатиб борадиган “Ёшлик” журнали саҳифаларида ёритилган эди. Аммо муаллиф уларни яна қайта ишлаб, турли таъсирчан лавҳалар қўшиб, ифодасини тарашлаб, китобхонлар ҳукмига ҳавола этибди. Бу ҳам бўлса, адабнинг ўз-ўзига талабчанлигини, адабиётга, бадийи сўзга ихлоси, эҳтироми баланд ижодкор эканини англайди. Бу хислатлар қайсидир маънода андак ҳовлиқма ёш қаламқашларга ибрат, намуна дея таърифлашимиз мумкин.

Ғафур Шермуҳаммаднинг мазкур тўпламига қиритилган асарларнинг деярли барчаси асосида фильмлар яратилган. Улар халқимизнинг, мутахассисларнинг ҳақиёти ёзиқроғларига сазовор бўлди. Аслини олганда, кино усталари, режиссёрлар ҳар қандай бадийи асарга ҳам эътибор қаратавермайдилар. Улар жонли, ёрқин, халқчил образлар излашади. Бундай қаҳрамонларни яратиш, албатта, ижодкорнинг маҳоратига, тажрибасига, воқеаларни худди кинотаъсирдай ифодалай билишига боғлиқ. Юқорида қайд этганимиздек, Ғафур Шермуҳаммад ана шундай иқтидор, сезги, тасаввур соҳиби экани унинг битикларидан яққол кўриниб турибди. Адиб нафақат ҳаммаша талабчан, ҳаммаша чанқоқ китобхонларни, балки кинофилмларга иштиёқдор қавмни ҳам мамнун эта билди. Барча санъат турларининг заммирида бадийи сўз, бадийи адабиёт ётишини кенг жамоатчиликка яна бир қарра еслоати.

Хулоса тарида айтганда, “Марди майдон”даги улоқ яна Ғафур Шермуҳаммадга кетди. Ҳалоли бўлсин!

— Вилоятимиздаги оромгоҳларда фаолият юритаётган ҳар бир ходим мавсум аввалида махсус қўрсаларда иштирок этди ва жараёнда уларга фаолияти юзасидан зарур маълумот ва тавсиялар берилди. Ҳозирда дастлабки оралиқлар якунланди ва мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрилган ўз самарасини қўрсатди, — дейди Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тохир Абдурахмонов.

Шунингдек, оромгоҳларда болалар ҳавфсизлигини таъминлаш ва турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ҳам барча чора-тадбирлар қўрилган. Жумладан, давқулдода вазиятлар ва ички ишлар бошқармаларининг соҳавий хизмат ходимлари бириктирилиб, туну қон навбатчилик қилмоқда. Бундан ташқари, оромгоҳларга бириктирилган ходимлар томонидан кўргазмалли тарғибот материаллари ҳамда махсус техникалар ёрдамида болалар билан турли учрашувлар, тушунтириш ишлари, викториналар, қўрик-танловлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Келажагимиз эгалари доимо эътиборда. Уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши жамиятнинг эртанги тараққиётида муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда олиб борилаётган зарур чора-тадбирлар болалар ёзги оромгоҳларида яратилган шароитлар мисолида яна бир бор амалда ўз ифодасини топмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири